

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 31 май сешанба № 23 (750)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Эртага — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Болаликнинг беғубор осмони

ҳамиша бахтиёр ва барқарор бўлсин



2004 йил
23 апрель

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Она ва бола скрининги" Давлат тизими янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

2008 йил
7 июнь

Ўзбекистон Республикаси "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

2010 йил
23 март

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2010-2015 йилларда Болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

ДОНИШМАНДЛАР дейдиларки, кимнингки ортидан яхши амалларини давом эттирадиган фарзанди бор экан, у одам ҳеч қачон ўлмайди. Илло, инсон фарзанд ўстириб, комил инсон даражасида вояга етказиб, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам яхшилик яратди. Бу улғу ҳикматга Юртбошимизнинг қуйидаги таъбири билан янада ойдинлик киритадиган бўлсак, "Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор, онла бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан ашайди".

ДАРҲАҚИҚАТ, фарзанд инсон ҳаётининг давомийлиги, умрининг мазмун-моҳиятини касб этади. Азал-азалдан аждодларимиз ўзидан ҳар томонлама

соғлом, кучли, зукко ва билимдон зурриёб қолдиришга интилиб яшаганлар. Маълумки, "Авесто" энг қадимги тарихий манбала-римиздан бири бўлиб, унда

адолат мезонлари, одоб-ахлоқ тамойиллари, қонун, қонунчилик ва эзгулик сифатлари баён этилган.

ШУ сонга хабар!

Эртага!

ХАЛҚАРО болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимизнинг Гафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!" болалар шоу тадбири ўтказилди.

МАЗКУР байрам тадбири Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Sop Yolg'iz Ertas" болалар жамоаси "Камолот" ЁИҲ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, ҳамда кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкиллаштирилмоқда.

Унда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар болалари иштирок этиб, спорт ҳамда

ижодиётнинг кўплаб турлари бўйича, шунингдек, ҳуқуқий мавзудаги викторина уйинларида ўз иқтидорларини намойиш қилдилар. Тадбир доирасида Адлия вазирлиги томонидан "Эртага" бугундан бошланади — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясининг Ўзбекистондаги аҳамияти" номли кўргазма ташкил этилади, шунингдек, болаларга байрам совғалари улашिलाди.

Меҳрибон АББОСОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Давра суҳбати

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"

лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳининг дастлабки муҳокамаси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"ни амалга ошириш бўйича Қонунчилик палатасининг Ҳаракат дастури тасдиқланган бўлиб, унда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури янги тахрирда ишлаб чиқиш белгиланган.

АЙНИ ПАЙТДА ушбу Миллий дастурнинг янги тахрирдаги лойиҳасини тайёрлаш бўйича тасдиқланган ишчи гуруҳи фаолият юритмоқда. Хусусан, ишчи гуруҳи томонидан бу борадаги халқаро ва миллий тажрибалар таҳлиладан келиб чиқадиган асосий ҳолатлар белгилаб олинди, шунингдек, миллий қонунчиликдаги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган қонунлар ва қонунсозлик ҳужжатлари инвентаризация қилиниб, янги тахрирдаги лойиҳа тайёрланди.

Жорий йилнинг 25 май куни Адлия вазирлигида ўтказилган давра суҳбати ушбу Миллий дастурнинг янги тахрирдаги лойиҳаси муҳокамага бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди,

Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа давлат органлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда талабалар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Миллий дастурнинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш лозимлиги хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Таъкидландики, бу фикр-мулоҳазалар ва ўртага ташланган бир қатор тақлифлар Миллий дастурнинг янги тахрирдаги лойиҳаси ҳар томонлама мукамал тарзда ишлаб чиқишига хизмат қилади.

Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий тарғибот
ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Сайлов давом этмоқда

Демократик талабларга мос

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловнинг роли ва аҳамияти

МАМЛАКАТИМИЗДА демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтлари том маънода демократик қадриятларни рўбга чиқаришда, инсонларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, улар шахсининг ўз имкониятларини рўбга чиқаришда, ижтимоий ва социал-иқтисодий фаоллигини ошириш учун шарт-шароитлар яратмоқда ва жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда беназир аҳамият касб этмоқда. Айниқса, давлат ва ҳокимият тузилмалари устидан ҳақиқий жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги маъқел янада кучаймоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигини нишонлаш арафасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида энг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралаётгани ҳам беҳиз эмас, албатта. Махалла ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлганига сабабли унинг роли ва таъсирчанлигини ошириш сайлов жараёнлари билан ҳамохандир.

2008 йил ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган аввалги сайловлар якунлари бўйича 9881 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 85 минг нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланган эди. 2011 йилда 9973 нафар фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва уларнинг 98 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, юртимиз ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ бир қатор вазифаларни бажаришда. Айниқса, фуқаролар йиғинлари ташаббускорлигида аҳолини иш билан банд қилиш мақсадида қасаначилик, хунармандчилик, хусусий тадбиркорлик, фермер ҳўжаликларини ташкил этиш, аҳолига сифатли табиий ва маиший хизмат кўрсатиш кўламлигини тобора кенгайиб бораётганига демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига қўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қўнун билан белгиланади. Кези келганда шуни айтиш керакки, фуқароларнинг ижтимоий фаолликлари уларнинг сайловлар жараёнида ўз сиёсий ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита амалга оширишда янада ёрқин намоян бўлади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси моҳиятидан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки ўзини ўзи бошқариш йўли билан амалга оширилиши мустақамланганлиги, бу демократик ва халқчил институтнинг қучли фуқаролик жамиятини қуришнишнинг муҳим пойдевори сифатида хизмат қилишдан далolat беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари самарадорлигини оширишда 2004 йилда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг энг муҳим хусусиятларидан бири раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари маҳаллада доимий истиқомат қилувчи шахслар орасидан сайланишида ҳам ифодланади. Бу ҳол раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари демократик талаблар асосида сайланишида ҳам кўринади. Яъни, сайловнинг эркин ва ихтиёрийликка асосланганлиги нафақат умуминсоний тамойилларга, балки миллий қадриятларга ҳам тўла мос келади. Яна бир хусусияти шундаки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларига сайлов сайловчиларнинг доимий истиқомат қиладиган жойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилади. Бошқача айтганда, махсус сайлов округларини ташкил этиш талаб этилмайди. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фақат бир муддатга эмас, балки бир неча муддатга ҳам сайланиши мумкин. Бу ҳол фуқароларнинг ўзларига қимми раис (оқсоқол) сифатида танлаб олиниши ўзлари ҳал этишига узвий боғлиқдир. Раис (оқсоқол) маҳалла руҳиятини ўзида мўжассамлаштирувчи шахсдир. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳўжажатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар ҳокимиясига сайловдан камидан ўн кун олдин топширилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши унга қўйилган муҳим талаб, қолверса, уни сайлаб олишнинг энг муҳим мезони ҳисобланади. Раис (оқсоқол) маҳалла ҳаётини биладиган обрў-эътиборга эга, жамоатчилик ҳурматида сазовор бўлган шахсдир. Раисини (оқсоқол)ни маҳалла аҳолиси катта ишонч билдириб сайлайди. Бундай сайловнинг ўзига хос жиҳати шундаки, биринчидан, раис (оқсоқол) сайланган, иккинчидан, фуқаролар йиғини раисини лавозимига ўтказиладиган сайловда қўлиб чиққан номзод томонидан тақлиф этиладиган маслаҳатчи сайлаб олинади. Шу сабабли, нафақат раис (оқсоқол)нинг, балки унинг маслаҳатчисининг катта ҳаётий тажрибага эга бўлиши маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишнинг, қолаверса, аҳоли ишончини оқшатишнинг энг муҳим гаровидир. Айниқса, маҳаллага давлат ва жамият аҳамиятига молик аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларни янада кенгайтиришнинг қонунчилик асослари тадрижий такомиллаштирилётганлиги улар роли ва аҳамияти янада оширилаётганлигидан далolat беради.

Сайлов фуқаролар йиғини фаолиятининг самарадорлигини оширишда ва жамият тафаккурининг ҳам юксалишида гоятда муҳим ўрин тутди. Яъни, ўзини ўзи бошқаришнинг демократик шакли ва усулларини янада такомиллаштиришга эришилади. Айтиш жоизки, ўзини ўзи бошқаришни такомиллаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг нафақат асосий шарти, балки муҳим воситасидир. Юртбошимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, ўзини ўзи бошқариш органлари — бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади. Биз бугун ана шу асосларни қуришни бошладик... Фуқаролик жамияти бу — ўзини ўзи бошқаришдир. Унинг биринчи ва асосий тамойили шу.

Хулоса қилиб айтганда, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларининг роли тобора ортиб бораётган шароитда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда қонун ҳўжажатлари талаблари асосида ташкил этилиши ва ўтказилиши улар зиммасига юклатилган аниқ йўналтирилган асосдаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятини яратди.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлари доктори, профессор



ЮКСАЛИШ
САРИ ДАДИЛ
ОДИМЛАР

ҲАДЕМАЙ мустақиллигимизнинг 20 йиллигини халқимиз кенг нишонлайди. 20 йиллик вақт узок тарих олдида кўз очиб юмгулик давр. Бу давр ичида улкан иш-

ларни, ҳатто асрга татигулик бунёдкорликларни ҳам амалга ошириш мумкинлигини мамлакатимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган 20 йиллик даври яққол кўрсатди. Эътиборлиси, бу ютуқларимизни дунёнинг етакчи иқтисодчилари

ҳам халқаро анжуманларда эътироф этмоқда. Бундан қувонмай бўладими?! Ана шу ютуқларда "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.



Ёруғликка элтар йўллар

"Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик темир йўл компанияси фаолиятига назар

- Келажакка элтувчи йўллар
- Қуёшга интилоётган локомотивлар
- Ҳамкорлик тараққиётга етаклайди

3

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

(Давоми. Боши биринчи бетда)

— Бугунги кунда ҳеч бир давлатнинг иқтисодий ютуғини темир йўл транспорти соҳасисиз тасаввур қилиш қийин, — дейди компания бошқаруви раиси Очилбой Рамамов. — Темир йўлчилар йилнинг барча фаслларида, об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида ўз вазифаларини оидқидилдан бажаради. Шу боис, республикадаги юк айланмаларининг катта қисми темир йўл транспорти хизмати зиммасига тўғри келади. Юк ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатишда соҳа ходимлари катта ютуқларга эришмоқда.

Хукуматимиз томонидан соҳани ривожлантириш учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис Ўзбекистон темир йўл тармоғи МДХда ўз нуфузига эга. Сўзимиз исботи учун бир неча мисоллар келтирсак: “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК корхоналарида йўловчи ва юк вагонларини серияли ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Булар: ҳаво кондиционери ўрнатилган купе вагонлари, юк вагонларнинг энг кўп талаб қилинадиган турлари, нефть маҳсулотлари учун цистерналар, ёпиқ ва ярим очик вагонлар.

Юк ва йўловчи ташувчи

лаш жоизки, юртимизда янги пўлат излари қуриш ва фойдаланиш бўйича салмоқли қадамлар қўйилди. Қизилқум саҳросида **Навоий — Учқудук — Султонувайстог — Нукус** йўналиши бўйича 341,6 километр узунликда темир йўл линияси қурилди. Амурдаёда 681 метрли темир йўл-автомобиль кўприги бунёд этилди. Мураккаб тоғ шароитида **“Тошғузор — Бойсун — Кумқўрғон”** йўналиши бўйича 223 километр темир йўл линияси барпо қилинди.


— Улуғ бобомиз Амир Темурнинг “Бизнинг қим-лигимизни билмоқчи бўлсангиз биз қурган иморатларга боқинг” деган сўзларини яхши эслаймиз. Буюк бобомизнинг бу ҳикматли сўзлари ҳалқимизни буюк ишларга ундаб келган дейди, — темир йўл қурувчиси Аҳмад Оллаберганов. — Навоий — Учқудук — Султонувайстог — Нукус ва “Тошғузор — Бойсун — Кумқўрғон” темир йўл линиялари бунга мисол бўлади. Бу ерларда асрга татигулик ишлар амалга оширилди. Балад тоғларни кесиб темир изларни ётқизишнинг ўзи бўлмайди. Бунга биз билан ҳамкорлик қилган хорижий мутахассислар ҳам тан беришди. Эндиликда мамлакатимиздаги барча темир йўллардаги

амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК Афғонистон ҳукумати билан Афғонистонда “Хайратон — Мозори-Шариф” темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича шартнома имзоланиб, биринчи босқич ишлари ниҳоясига етказилди: “Хайратон — Мозори-Шариф” бир йўлли темир йўл линияси барпо этилди. Мазкур линиянинг умумий узунлиги 95 километрни ташкил қилади. Ишга туширишга бўлган барча юмушлар “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК томонидан амалга оширилди. Лойиҳа бўйича Афғонистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош Хайратон станциясининг Мозори-Шариф шаҳригача темир йўл линияси қуриш, Хайратон линиясини модернизациялаш, Мозори-Шариф шаҳри аэропорти яқинида разъездлар ва янги юк ҳовлисини қуриш ниҳоясига етди.

Хозир янги “Хайратон — Мозори-Шариф” шаҳри темир йўл линиясидан фойдаланиш, афғон мутахассисларини ўқитиш ва тайёрлаш бўйича ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Бундай бунёдкорликлар келажакда Афғонистон ва Ўзбекистонга Бандер-Аббос ва Чабхехар (Эрон),



жавас қилганман. Йўловчилар учун барча имкониятлар яратилган. Илгари мен ҳам юртимизда ана шундай хизматни оруз қилардим. Оруларимиз рўёбга чиқди. Кеча Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича

Поездларнинг ҳаракатини тезлигини ошириш доимо темир йўл транспортнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлган. Глобализация ва юкори технологияларни ривожлантириш шароитида темир йўл катновлари халқаро ва маҳаллий транспорт алоқаларида борган сари муҳим роль ўйнамоқда.

Контейнерларда ташиш — бу юкни яқин ва узоқ масофаларга етказиб беришнинг қулай усулидир. Юкларни темир йўл контейнерларида ташиш афзалликларини қайд этиш муҳим — универсал контейнерлар махсус платформаларда осон жойлаштирилади ва стандарт боғлаш мосламаларига эга бўлиб, бу контейнерларни зарур ҳолларда бошқа транспорт турига ўтказиш имконини беради.

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК МДХ ва узоқ хориж мамлакатлари билан темир йўл транспорти соҳасида икки томонлама битимларга эга.

Бугунги кунда Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик Агентлиги, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва ҚФВ банки (Германия) компаниянинг муҳим ҳамкорлари ҳисобланади. Шу билан бирга компанияга “Жейсмар” (Франция), “Пассер энд Тойер” (Австрия), “Сумимото”, “Марубени”, “Шимидзу”, “Канимация” (Япония) ва бошқа компаниялар ҳамда фирмалар қизиқиш билан қарамоқда.


Мустақиллик йилларида республикамиз ҳукумати томонидан мазкур соҳа учун кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мазкур йўналишда таълим тизимини яхшилаш, иқтисодлашган ўқув муассасаларида кадрларни тайёрлаш, ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, кадрларни ўқитиш ва аттестациялашнинг илғор тизимини жорий қилиш, шунингдек, МДХ ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари олий ўқув муассасалари билан халқаро алоқаларни кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, “Инсон ва қонун” мухбири

Банк ва мижоз

Замонавий хизмат — муваффақиятлар гарови



МАЪЛУМКИ, давлатнинг куч-қудрати ва ривож топиши қатор омилар билан бирга, банк тизимининг барқарорлигига ҳам боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Натижада республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

БУГУНГИ КУНДА республикамизда банк-молия тизимини такомиллаштириш, молия муассасалари фаолиятини мижозларига аҳоли вазирига сифатида аҳамият берилмоқда. Бу эса банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлашига, аҳоли турмуш даражаси фаровонлашуви, хизмат қилмоқда, дейиш мумкин. Бундай ижобий ўзгаришларни “Turkiston” хусусий очик акциядорлик тижорат инвестицион банк фаолиятида ҳам қўриш мумкин.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлиқни ривожлантириш йўлида кредит бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва қулайлигини оширишга йўналтирилган узоқ муддатли сибсатни олиб боришни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган мазкур банк республикамизнинг йирик иқтисодий ва ижтимоий дастурларини ҳисобга олган ҳолда кредитлаш ва молиялаш ишларини йўлга қўйиш ҳамда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида инвестиция жараёнини кенг миқёсда амалга ошириш жараёнига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Банк ходимларининг ҳаракатлари, уларнинг куч-ғайрати мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш ва халқ ҳўжалигида турбор интизомини мустаҳкамлашга оид ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган.

Банкнинг ресурс базасини кенгайтириш мақсадида аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб этиш орқали 2000 йилдан бошлаб жамғарма кассаси ишга тушган бўлиб, ўтган вақт мобайнида банкнинг жалб этилган депозитлари миқдори 2011 йилнинг бошида 1 379 591 минг сўмни ташкил этиб, 1 апрель ҳолатига нисбатан 2 230 396,6 минг сўмга ортди. Мазкур депозитлар бўйича омонатчиларга очилган ҳисоб рақамлари 2698 тага етди.

Шунингдек, аҳоли бўш пул маблағларининг жалб этилишини ривожлантириш мақсадида қулай фойз ставкалари билан жисмоний шахслар учун бир миллиард сўмлик муддатли омонат сертификатларини ва юридик шахслар учун икки миллиард сўмлик депозит сертификатларини йил давомида чиқариш ва жойлаштириш йўли билан омонатчилар сонини ва ресурс базасини ошириш кўзда тутилган. Айни пайтда эса аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларининг “Комус”, “Устоз”, “Сармоя”, “Коммунал бонус”, “Бахтли болалик” ва бошқа бир қатор ютуқли омонатларга жалб қилишни кенгайтириш орқали банк ресурс базаси мустаҳкамланмоқда. Бу эса реал секторга ажратилаётган кредитлар ҳажминини ошириш, аҳоли ва кичик бизнес субъектларига қўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш имконини бермоқда.

2011 йилнинг биринчи чорагида банк томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилган жами кредитлар сони 29 та бўлиб, унинг умумий қиймати 7 250 492,9 минг сўмни ташкил этди. Шундан кичик бизнес субъектларига тақдим этилган кредитлар сони 9 та бўлиб, унинг умумий суммаси 7 141 384,3 минг сўмни ёки 98,5 фоизни ташкил этади.

Маълумки, молия муассасаларида активларни қўлайлаштиришнинг асосий манбаларидан бири бу — банк мажбуриятларини ва у жалб қиладиган маблағлар ҳажминини оши-

ришдан иборат. Шу маънода “Turkiston” ХОАТИБ активлари йил аввалида 33 456,3 миллион сўмни ташкил этди. Жами активларнинг 26 465,4 миллион сўми ёки 79,1 фоизи даромад келтирувчи активлар ҳисобига тўғри келади. Банкнинг кредит портфели йил бошига нисбатан 2 009,8 миллион сўмга ёки 1,1 баробарга ошиб, 1 апрелгача 20 021,2 миллион сўмни, шу жумладан, банк томонидан кўрсатилган лизинг хизматлари қарздорлиги 472,7 миллион сўмни ташкил этди.

Банк мажбуриятлари ўтган уч ойда 21 284,1 миллион сўмни ташкил этиб, унинг 19 376,3 миллион сўми ёки 91 фоизи мижозлардан жалб қилинган депозитлардир. Банк томонидан барқарор ресурс базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу уч ойда муддатли депозитлар ҳажми мижозлардан жалб қилинган маблағларнинг 45,4 фоизини ёки 8 799,2 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич йил бошига нисбатан солиштирилса, 1 349,3 миллион сўмга ошган.

“Turkiston” банкнинг устав капитали шу йил январь ҳолатига кўра, 11 002,4 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи чораги давомида 68,9 миллион сўмга ўсди. Бундан ташқари, банкнинг умумий захира капитали йил бошига нисбатан 3,7 миллион сўмга ошди, 358,9 миллион сўмни ташкил этди. Шунга кўра, олинган даромадлар ва харажатлар таълиф қилинганда, жами даромаднинг 61,3 фоизи берилган кредитлар бўйича олинган фойзли даромадлардир. Бу иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажминини ошганлигидан далолат беради.

— Уставор вазифаларимиз талайгина, — дейди “Turkiston” ХОАТИБ бошқаруви раиси Ш.Аббасов. — 2010 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, аввало, эмиссия қилинган 6 миллиард сўмлик акцияларни тўлиқ жойлаштиришни, банк омонатчилари саломатини кенгайтириш ва шу орқали янги омонат турларини жорий этишни, имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасига йўналтирилаётган маблағлар ҳажминини кенгайтириш ва бу маблағларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш, банкнинг пластик картчолар билан ҳисоб-китобларини бажариш учун зарур бўлган замонавий техника воситаларини сотиб олишни ният қилганмиз. Қолаверса, банк бизнесига оид халқаро стандарт ва таъмин-иларни банк фаолиятига жорий этиб, уни универсаллаштириш йўлида ҳам фаолият олиб бораемиз.

Жумладан, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида “ФИТЧ-рейтинг” нуфузли халқаро рейтинг компанияси билан шартнома тузилиб, жорий йилнинг июнь ойида рейтинг баҳоси олин-иши кўзда тутилган.

“Turkiston” ХОАТИБ ходимлари замонавий хизмат — ютуқлар гарови эканини яхши англаган ҳолда бугунги кунда янада самарали ва баракали фаолият олиб бориш-п-ти, десак муболага бўлмайди.

Банк матбуот хизмати

Ёруғликка элтар йўллар

“Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компанияси фаолиятига назар



вагонлар ишлаб чиқариш учун соҳа халқаро ташиқлотларнинг тегишли лицензиялари ва сертификатлари эга. Вагонлар “1520-ИС” стандартларига жавоб беради. Саноат корхоналарида “ISO 9001-2000” менежменти тизими жорий қилинган. Вагонлар ҳозирги вақтда МДХ бўйлаб қатнамоқда. Бу муваффақиятларни дунёнинг нуфузли темир йўл транспорти мутахассислари ҳам эътироф этмоқда. Хитой, Россия, Япония каби давлатларнинг темир йўл соҳаси ҳамкорликда ишлаш тақлифини билдирган.

УЛУҒ ЙЎЛ САРИ

Йўллар азалдан одамларнинг узогини яқин қилган. Йўлга отланган йўловчи хоҳ отда бўлса, хоҳ транспортда, манзилга соғ-омон етиб боришга ҳаракат қилади. Темир йўл транспорти транспортлар орасида самолёт ва кемаларга нисбатан хавфсиз ва қулай ҳисобланади. Дунё ахлининг асосий қисми ана шу транспорт хизматидан фойдаланиши ҳам бежиз эмас. Шу боис дунё бўйича соҳа тараққи-ётига алоҳида эътибор қаратилади.

Компания Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги “2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникацион қурилишни ривожлантиришни тезлаштириш тўғрисида”ги ҳамда 2010 йил 29 декабрдаги “2011 йил инвестицион дастурлари тўғрисида”ги қарорларидан келиб чиқадиган вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан салмоқли ишларни амалга оширди. Ва юксак муваффақиятларга эришилди.

Мазкур дастурни амалга ошириш доирасида 2 миллиард АҚШ долларига яқин инвестицияни ўзлаштириш режалаштирилган. Шунинг алоҳида таъкид-

юк ва йўловчилар қўшни давлатларнинг ҳудудига қирмай, ўз юртимизнинг ҳоҳлаган ҳудудига етказиб борилади. Энг асосийси, бу савий-ҳаракатлар туфайли катта миқдордаги хориж валютаси мамлакатимизнинг ҳазинасига қолди. Бу катта ишларнинг бошида Юртбошимиз ташаббускорлиги турганлигини фохр билан айтишимиз керак. Мен оддий темир йўл қурувчиси сифатида шундай улғувор қурилишда қатнашганимдан фохрланаман. Буни невараларимга фохр билан айтишдан чарчамайман.

Мавҳуд темир йўл тармоғини модернизациялашга катта аҳамият берилмоқда. Осиё тараққиёт банкининг маблағлари ҳисобидан иккита йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди ва Тошкент — Самарқанд — Бухоро участкаларида йўл тикланди. Келес — Бухоро участкасида 600 километрдан ортиқ оптик толали алоқа линияси ётқизилди. Тўқимачи — Ангрен темир йўл линияси электрлаштирилди. Янгиер — Жиззах ва Янгиер — Фарҳод янги темир йўл линиялари қурилмоқда.

ДЎСТОНА АЛОҚА РИШТАСИ

Биз дунёга юз тутмоқдамиз. Бу мустақиллик берган имконият. Шундай экан, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш муҳим ҳижат саналади.

2003 йил июнда Афғонистон, Эрон ва Ўзбекистон президентлари ўрта-сида Транспорт йўлагини яратиш бўйича келишув имзоланди. Ушбу вазифа Хайратон — Мозори-Шариф — Хирот — Қандаҳор йўналиши бўйича Афғонистоннинг йирик шаҳарлари билан бирлаштирадиган ва Ўзбекистон ҳамда Эрон йўлларига чиқишни таъминлайдиган янги темир йўлларни қуриш орқали

Карачи (Покистон) портларига чиқиш имконини беради. Мазкур йўлак орқали темир йўл катновини ташкил қилиш Жануби-Шарқий Осиёдан Европага бораётган товарларни Узоқ Шарқ темир йўли йўлакларига нисбатан қисқа йўл орқали ташиш имконини яратади.

ПОЕЗДДАГИ ХИЗМАТГА ТАН БЕРИШДИ

Маълумки, Ўзбекистон дунё сайёҳларида катта қизиқиш уйғотаётган қадимий меъморчилик ёд-горликлари билан донг таратган. Шу муносабат билан компания томонидан Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича юкори даражада қулай “Регис-



тон”, Тошкент — Бухоро йўналиши бўйича “Шарқ”, Тошкент — Қарши йўналиши бўйича “Насаф” фирмалар поездларининг ҳаракатларини йўлга қўйилди. Тошкентдан Самарқандгача Марказий Осиёда биринчи тезорар йўловчилар катновини йўлга қўйиш учун “Талғо” компаниясидан (Испания) тезорар йўловчи электр поезди сотиб олинди.

— Хизмат юзасидан Япония ва Жанубий Кореяда бўлганмиз, — дейди ҳамюртимиз, ўқитувчи Мусо Саидов. — Ушанда у давлатлардаги темир йўл транспорти хизматига

юкори қулайликка эга бўлган “Регистон” поездида Самарқандда бўлдик. Шаҳарнинг тарихий жойларини зиёрат қилдик. Биз билан япониялик меҳмонлар Самарқанддан Тошкентга қайтишди. Улар ҳам поездларимиздаги хизматга тан беришди. Буларнинг бари мустақиллик шарофати, деб биламан. Халқимиз учун қулай имкониятлар яратиб бераётган ҳукуматимизга миннатдорчилик билдираемиз.

— Юртимизда мустақиллик туфайли темир йўл транспорт тизимида тўб ижобий бурилишлар ясалди, — дейди Султон Салимов. — Илгари Тошкентдан Бухорога бориш учун бир ҳафта олддин тайёр-гарлик кўраддик. Чипта топишнинг ўзи муаммо эди. Эндиликда бундай муаммоларга чек қўйилди. “Шарқ” поездида ўтирдингизми, манзилингизга вақтда етиб борасиз.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Темир йўл транспортида йўловчилар қатновини янада такомиллаштириш мақсадида ҳукумат қўллаб-қувватлови остида “Йўловчи” локомотивлари парк-

ни янгилаш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Лойиҳада Хитой Халқ Республикаси ҳукумати-нинг ШХТга аъзо мамлакатлар учун 70,11 миллион АҚШ долларига миқдордаги узоқ муддатли кредити ва компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан 15 та йўловчи электровозларини сотиб олиш кўзда тутилган.

Ўтган йилнинг апрель ойида электровозлар тақдироти ўтказилди ва май ойининг бошида иккита бирик-микдордаги электровозлар Ўзбекистонга олиб келинди.

Ўз мухбиримиз

МАЪЛУМКИ, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бўлган каби, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар натижасида фуқаролик суд ишларини юриштириш тартибига солувчи фуқаролик процессуал қонунчилиги бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди ва такомиллаштирилди. Бу борада 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши судьяларнинг ихтисослашувига шароит яратиш билан бирга қонунларни ва суд амалиётини янада чуқур ўрганиш имконига кенг йўл очди. Шунингдек, мазкур Қонунга мувофиқ, Фуқаролик процессуал қонунчилиги судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция тартибиде қайта кўриб-текшириш институтини киритилди.

Талкин

Фуқаролик суд ишларини юриштириш

Такомиллашув ва самара

МАМЛАКАТИМИЗДА юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибиде ҳимоя қилишнинг ривожланиши ва кенгайишига олиб келмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2008 йили республика бўйича биринчи босқич судларда ҳал қилув қарори чиқариб, қўрилган ишлар сони 308269 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилда ушбу кўрсаткич 217299 тани ташкил этди. Юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, фуқаролик судларида умумий тартибда қўриладиган ишлар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири 2003 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига “Буйруқ тартибиде иш юриштириш” номли янги иш юриштириш тартибиде суд-ҳуқуқ ислохотлари давомийлиги ва уни янада чуқурлаштиришга қаратилган тадбирлардан бири бўлиб, фуқаролик суд ишларини юриштириш демократлаштиришга ва соддалаштиришга, судьяларнинг иш юкламалари камайишига олиб келди. Шунингдек, суд бўйруғи чиқариш асосларини кенгайтириш мақсадида 2008 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасига иш ҳақини ундириш ва коммунал тўловларини ундириш бўйича суд бўйруғи чиқарилиши тўғрисида қўшимча ва ўзгаришларнинг киритилиши мазкур фуқаролик ишлари қисқа муддатларда ҳал этилишига, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тезда тикланишига, судда иш юкламалари камайишига олиб келди.

Суд бўйруғи институтининг жорий этилиши ҳозирги давр талабига мос келганлиги ва фуқаролик ишларини тезда ҳал этишда ўзининг ижобий жиҳатлари билан умумий тартибда иш юриштириш фарқ қилиши сабабли, бу иш юриштириш тартибиде фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишга ҳам татбиқ қилиш мақсадида мувофиқ эканлигини намойиш этмоқда. Шу ўринда, суд бўйруғи билан боғлиқ аризаларнинг қўрилишига оид статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2008 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларга жами келиб тушган фуқаролик ишларининг сони 346990 тани ташкил этиб, шулардан 289093 таси суд бўйруғи билан боғлиқ аризалар ҳисобланади. Мазкур статистик маълумотлар судларда фуқаролик ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган шаклидан самарали фойдаланилаётганлиги ҳамда судьяларнинг иш юкламалари бирмунча камайишида муҳим омил эканлигидан далолатдир.

Давлатбек ХАБИБУЛЛАЕВ,
юридик фанлари номзоди,
Жамшид ИБРОХИМОВ,
ТДЮИ 1-босқич магистри

ДТ Халқ банки Тошкент шаҳар Учтепа филиалининг 0352-сонли шох-бошқасига қарашли “ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ БАНКИ 8297/0352 БУЛИ-МИ” қўғиш тўғрисида шартнома 2011 йил 25 майда йўқолигидан сабабли бекор қилинди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 23 майдаги 109-ум-сонли буйруғига асосан “ADOLAT YULDUZI PLVUS” адвокатлик фирмаси адвокати Ашуров Фазлиддинга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 21 майда берилган TN №00032 рақамли лицензиянинг ҳамда 2009 йил 25 июлда берилган адвокатлик макҳми, шунингдек, 069-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тўғатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 25 майдаги 38-А-ум буйруғи билан Муратқулов Джасуржон Хатамович ун ойдан ошмайдиган муддатда адвокатлик тузилмаси ташкил этмасдан ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига кирмасдан, фаолият кўрсатмаганлиги сабабли, унга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 3 июлда берилган TS 000153-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тўғатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 25 майдаги 34-А-ум буйруғи билан Ниязов Мирғабил Мирсатович ун ойдан ошмайдиган муддатда адвокатлик тузилмаси ташкил этмасдан ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига кирмасдан, фаолият кўрсатмаганлиги сабабли, унга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 3 июлда берилган TS 000239-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тўғатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Чилонзор туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Мухаррам Турсунқўзаевага онаси **Инобат АМИРАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МТС-Синхронлаштириш

БАЪЗАН мобил телефонини йўқотиб қўйган киши аппаратнинг хотирасида сақланган маълумот, телефон рақамлари, манзиллар, шахсий ёзувлар ва бошқа маълумотлар ҳам йўқолиши очинорли эканини яхши билади. Бундай муҳим маълумотлар хавфсизлигининг олдини олиш ва уларнинг захира нусхасини сақлашга доир МТС-Ўзбекистон компанияси томонидан тақдим этилган “МТС-Синхронлаштириш” хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бунга амалга ошириш ҳам жуда осон — сервисни ёқиш учун *111*0281# USSD-сўрови териллади. Сўнгра 5001 рақамига S харфини SMS орқали юборамиз, бунга жавобан синхронлаш со-



лашларини оламиз ва уларни телефонда сақлаймиз. Энди телефон менюсида “Синхронлаштириш” ёқи “Маълумотларни кўчириш” бандини танлаб, синхронлаш жараёнини ишга туши-

рамиз ва бир неча дақиқадан сўнг барча муҳим маълумотлар “МТС-Синхронлаштириш” серверидаги “Шахсий кабинет”нингизда худди шахсий банк қўтичанингиздагидек ишончли сақланади. “Шахсий кабинет”га sync.mts.uz сайти орқали кириш мумкин. Сервисни активлаштиришда берилган паролни киритамиз ва “Шахсий кабинет”га кирамиз. Шунингдек, синхронлаштириш сайтидан ҳам синхронлаш содлашларини олиш мумкин: бунда содлаш олиш учун SMS-хабар юборишга ҳолат йўқ, хизмат активлаштирилгандан кейинроқ сайтга кириш, телефон моделингизни кўрсатиш ва бит-

та тутгани босиб, содлашларни бюртма қилиш мумкин. Маълумотлар телефондан синхронлиб бўлгандан кейин “Шахсий кабинет”нингиз саҳифасини янгилангизнинг лозим, у ерда телефонгиздан синхронлаштирилган маълумотлар учун бўлимлар акс этади. Кейинги синхронлаштирилганда барча маълумотлар автоматик равишда мобил телефонгизда ҳам янгиланади. Синхронлашнинг бюртма қилиш ва содлашларини олиш бепул, синхронлаш учун ишлатиладиган GPRS-трафик тариф режага мувофиқ баҳоланади, сервисдан фойдаланиш учун ҳар ойда \$0,30 абонент тўлови олинади.

БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН ЯНГИ ТАКЛИФЛАР

«КОРПОРАЦИЯ» ТАРИФ РЕЖАЛАРИ

Тариф режалари	Абонент тулови (сўнгга), \$	Йўқолиш дақиқаси (сўнгга)	Корп. гуруҳи (сўнгга)	Ўзбекистон бўйича қўғиш қўғишлар (сўнгга) (сўнгга) (1 дақиқа учун)		Бошқа телефонларга (1 дақиқа учун)	Биринчи қўғишлар
				Халқ 1-2 дақиқа учун	3-дақиқадан		
«Корпорация Базавий»	1,5	0		0,01	0,001	0,02	0
«Корпорация Профи»	8	500	0				
«Корпорация VIP»	15	0			0		

«Корпорация Базавий», «Корпорация Профи» ва «Корпорация VIP» тариф режаларида:
• тармоқ ичиде қўғиш SMS — \$0,01, ўзбекистон бўйича — \$0,015;
• GPRS-MMS-WAP-INTERNET хизмати учун абонент тулови йўқ, хизматнинг 1 МБ — \$0,06.



бир қадам олдинда



Хизматлар лицензияланган

Хизматлар лицензияланган

Савол-жавоб

Фуқаро мулкдор бўлишга ҳақли

— **Яқинда отам дунёдан ўтди. Мол-мулкни менга мерос қилиб қолдирди. Бу ҳолида мен билан акаларим яшамайди, аммо улар меросдан улуш олишга ҳаракат қилишмоқда. Ноқулай вазиятдан қутилиш учун меросдан воз кечмоқчиман. Бунинг тартиби қандай бўлади?**

Б.НОСИРОВ,
Чилонзор тумани

— Меросхўр ўзининг ворисликка қақирилгани билан ёқи билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичиде меросдан воз кечишга ҳақлидир. Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Агар ишонномада вақил меросдан воз кечиш вақолати маҳсус назарда тутилган бўлса, меросдан ана шу тарзда воз кечилиши мумкин. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёқи қайтиб олиниши мумкин эмас. Меросхўр меросдан воз кечиши учун ўзига берилган муддат ўтганидан сўнг бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёқи ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасиде йўқотади.

— **Яқинда маҳалламизда бир чол вафот этди. Унинг фарзанди йўқ. Аёли беш йил олдин оламдан ўтган эди. Эгасиз қолган уй энди кимга тегишли бўлади?**

З.ҲАФИЗОВА,
Бектемир тумани

— Агар қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёқи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтганидан сўнг суднинг қарори асосиде эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қўйлатидан олиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади. Эгасиз мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш Фуқаролик кодексининг 1144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Дилбар ҚОСИМОВА,
Олмасор тумани 2-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси

Малака комиссиясининг 2011 йил 25 апрелдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 апрелдаги №119-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “ANJIM INSON” адвокатлик фирмаси адвокати Матназова-Должан-Сейтжановнага 2009 йил 8 июнда берилган TN 000716-сонли адвокат макҳмини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макҳми 2011 йил 29 апрелдан — 1 ой муддатга тўғатилди.

Малака комиссиясининг 2011 йил 25 апрелдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 апрелдаги №119-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар “QONUNCHIK” адвокатлик фирмаси адвокати Абдуқодиоров Шерзод Бўжбоновнага шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 24 июлда берилган TN 001055-рақамли лицензиясининг амал қилиши ва 2009 йил 18 августда берилган 1219-сонли адвокатлик гувоҳномаси ҳамда адвокатлик макҳми тўғатилди.

Малака комиссиясининг 2011 йил 25 апрелдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 апрелдаги №119-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар “ADOLAT SINMASIN” адвокатлик фирмаси адвокати Сулайманова Шаира Худайберганоўнага шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнда берилган TN 000572-рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макҳми тўғатилди.

Малака комиссиясининг 2011 йил 25 апрелдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 апрелдаги №119-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар “ADOLAT SINMASIN” адвокатлик фирмаси адвокати Сулайманова Шаира Худайберганоўнага шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнда берилган TN 000572-рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макҳми тўғатилди.

Малака комиссиясининг 2011 йил 25 апрелдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 апрелдаги №119-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар “RUS-DIL” адвокатлик фирмаси адвокати Давидов Раҳим Раҳматовичга шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 10 июнда берилган TN 000802-рақамли лицензиясининг амал қилиши ва 2009 йил 30 июнда берилган 499-сонли адвокатлик гувоҳномаси ҳамда адвокатлик макҳми тўғатилди.

Малака комиссиясининг 2011 йил 25 апрелдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 апрелдаги №119-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “LEX UZ” адвокатлик фирмаси адвокати Абдураҳмонов Расулберди Бокриевичга 2009 йил 29 июнда берилган TN 001093-сонли адвокат макҳмини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макҳми 2011 йил 29 апрелдан — 6 ой муддатга тўғатилди.

Фирибгарлар

Улар солиқчилар кийимини кийишганди. Бироқ...

НАЗИРХОН МУСАЕВА Андижон шаҳридаги 3-кичик даҳода яшайди. У на ўқиди ва на бирор ҳунарга эгаси бўлди. Оила борасиде ҳам бахти юришмади. Турмуш ўртоғи бир нафар фарзанди билан уларни ташлаб кетди. Назирхон сабоқ чиқариш ўрнига фирибгарлик йўлини тутди.

ДАСТЛАБ у қандай қилиб текин даромад топиш ҳақида обдон бош қотирди. Ўзига ўхшаган бир-иккита таниш-билишларидан керакли йўл-йўриқлар ҳам олди. Ниҳоят, ўзига маъқул бўлган йўлни — “солиқ”чи бўлишни тандади. Бунинг учун узоқ тайёргарлик кўрди. Худди детектив фильмлардагига ўхшаб солиқ ҳодимларининг хатти-ҳаракатларини кузатди. Сўнгра...

2010 йилнинг ноябрь ойи бошлариде Андижон шаҳрида фаолият кўрсаттаётган “Ривож” хусусий фирмасининг Андижон шаҳридаги тикув цехи бошқарувчисига ўзини ва шеригини давлат солиқ

инспекцияси ходими, деб таништирди. Сохта гувоҳномасини кўрсатишни ҳам унутмади. Уларнинг гапларига ишонган тикув цехи чекарлари Назирхон Мусаевага ДСИ ходимлари қиядиган хизмат мундирини тикиб беришди.

Назирхон ўзининг ғаразли ниятини амалга ошириш учун фуқаролар Шодибой Маликов ва Мирзакарим Набиевни ҳам жалб этди.

— Сизлар яхши яшашни, пуллингиз кўп бўлишини, бу пуллар худди осмондан тушгандай осонгина чўнтагингизда бўлиб қолишини хоҳлайсизларми? — деб сўради.

— Хоҳлаймиз! Бунинг учун нима қилишимиз керак? — дейишди кўл

ковуштириб турган шериклари.

Назирхон уларга ўзининг қингир режасини, сохта солиқчи ролини ўйнашларини, шу йўл билан кўп пул топишлари мумкинлигини тушунтирди.

— Хизмат либоси, гувоҳнома, сохта иш қоғозлари тайёр. Муҳими, додираб қолмаслик, бурро-бурро қилиб сўзлаш керак. Тушунарлими? Қани энди, ишга киришайлик, — деди Назирхон шерикларига сўнгги кўрсатмани берар экан.

Дастлабки “ов”ни 2010 йилнинг 6 ноябрида

Қилмиш — қидирмиш



қилишди. Кундузги соат 12.00 ларда Жалақудук тумани, Охунбобоев шаҳри, Зулфия кўчасининг 12-уйида яшовчи фуқаро Камолитдин Рўзиматовга тегишли бўлган сомсаҳона ёнига қўлранг “Нексия” автомашинаси келиб тўхтади. Ундан маҳсус кийим кийган уч нафар сохта солиқчилар тушиб келишди. Улар сомсапаз йигитни чўв туширишни режалаштиришганди. Шунинг учун ундан “Бензин борми?” деб сўрашди. Соддагина сомсапаз йигит ҳам уларнинг алдов тўрига лаққа илинди ва “Маши-

насининг бензини тугаб қолган бўлса, бир шуларга яхшилик қилай. Ўзлари меҳмонга ўхшайди”, деб “Ўзимга олиб қўйган 20 литр бензин бор. Агар жуда зарур бўлса берақолай” деди ва “Нексия”нинг юкхонасига жойлаштирган, улар ўларнинг найрангини бошлашди.

— Мен Андижон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимман, — деди улардан бири. — Энди мақсадга ўтсак. Сомсаҳонада бензин сотиш мумкин эмаслигини биласизми? Бу жиноий ҳолат учун баённома тузиш керак. Исм, фамилиянгиз, телефон рақамингизни айтинг, — дея дағдаға қила кетди бошқаси.

“Солиқчи”ларнинг шериги Назирхон Мусаева эса маълумотларни ён дафтарига ёзиб ола бошлади. Сўнгра 20 литр бензиннинг пулини бермасдан жўнаб қолди. Шошиб қолган сомсапаз йигит нима қиларини билмай қарахт бўлиб қолди. Эртаси кун,

яъни 2010 йилнинг 7 ноябрь куни соат 17.00 ларда “солиқчи”лар яна сомсаҳона ёнида пайдо бўлишди ва кечаги дўқ-пўписаларини давом эттиришди. Сомсапаздан ноконуний равишда бензин сотганини учун 200 минг сўм талаб қилишди.

Боши қотган сомсапаз 2010 йилнинг 10 ноябрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ўша кун Андижон шаҳрининг Янгибозор ҳудудиде жойлашган “Истанбул” ошонаси олдида маҳсус ишлов берилган 100 минг сўм пулни олаётган сохта “солиқчи”лар қўлга тушди. Улар судда қилмишига яраша жазосини олишди.

Қурбонали АСҚАРОВ,
Андижон шаҳар
прокуратурасининг
катта терговчиси

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССАС:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан
нашр этилади

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва Ахборот
саноати
0061-рақам билан
рўйхата олинон



**Бош
муҳаррир:**

**Қўчқор
НОРҚОБИЛ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўриғи Мустафаявич
Ражабова Мавжуда Абдулқиевна
Раҳмонов Абдуқамол Шодиёвич
Султонов Алимқул Тожбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Сайдов Шокир Камолович
Ҳамроев Исрол Ҳамзаевич

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА

**Саҳифаловчи-
дизайнер:**
Тўлқин
РАУПОВ

Индекс: 646882

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасиде терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйиде чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй,
Бухортия й-1893. **Тиражи** — 20457. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 19.00 — тижорат макҳона:lt

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-ig.uz
Сотувда эркин нархда
1 2 3 4 5